

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2020 ЙИЛ – ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2020 йил 17 июль, № 150 (7652) Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


**Айни пайтда бутун дунё, шу жумладан, биз ҳам кўринмас душман билан чин маънода уруш олиб боряпмиз. Бу вируснинг барча хавф ва хатарини тўғри баҳолаб, ҳар томонлама тайёргарлик кўриб курашсак, уни албатта енгамиз.**

**Шавкат МИРЗИЁЕВ**

# ЕТАКЧИ САНОАТ ТАРМОҚЛАРИДАГИ ЛОЙИҲАЛАР ТАҚДИМОТИ ЎТКАЗИЛДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев 16 июль куни видеоалоқа орқали нефть-газ кимёси, электр техникаси ва фармацевтика саноатидаги янги лойиҳалар тақдимоти ҳамда ушбу тармоқларни ривожлантириш ишлари бўйича ҳисоботлар билан танишди.**

Бутун дунёни қамраб олган пандемия жаҳон иқтисодиётига жиддий салбий таъсир кўрсатаётган бугунги шароитда мамлакатимизда саноатни барқарор ривожлантириш ишлари изчил давом эттирилмоқда. Давлатимиз хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаб, уларни монетизация қилиш йўлидан бормоқда. Яъни импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариб, иқтисодий самарадорликни ошириш чоралари кўрилмоқда.

Тақдимотда нефть ва газ кимёси тармоғидаги ана шундай янги лойиҳалар бўйича маълумот берилди.

Ўтган йили 28 декабрда “Навоийазот” акциядорлик жамиятида Поливинилхлорид, каустик сода ва метанол ишлаб чиқариш мажмуаси ишга туширилган эди. Бугунги кунда унинг 2-босқичи лойиҳалаштирилмоқда. Ушбу лойиҳа қиймати 440 миллион доллар атрофида бўлиши мўлжалланяпти. 650 киши иш билан таъминланиши, йилига 132 миллион долларлик маҳсулот тайёрланиши режалаштирилган. Шунингдек, замонавий технологиялар ўрнатилиши натижасида катта ҳажмдаги табиий газ тежалади.

25 миллион долларлик навбатдаги лойиҳа водород пероксиди ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Тозалаш-дезинфекциялаш хусусиятига эга бу модда фармацевтика, тиббиёт, тўқимачилик ва маиший ҳаётда кенг қўлланилади. Лойиҳа натижасида 50 та иш ўрни яратилиб, йилига қарийб 20 миллион долларлик маҳсулот ишлаб чиқарилади. Ушбу корхонани 2021 йил сентябрда Навоий вилоятида ишга тушириш режалаштирилган.

“Навоийазот” АЖда қиймати 18 миллион доллардан зиёд бўлган яна бир лойиҳа — карбамид формальдегид концентрати ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда. Жорий йил март ойида мазкур корхона қурилиши бошланган, уни келгуси йил мартда фойдаланишга топшириш мўлжалланган. Бу ерда йилига 9 миллион долларлик импорт ўрнини босувчи товарлар ишлаб чиқарилиб, 1 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинади, 50 та иш жойи очилади.

Қиймати 12 миллион доллар бўлган карбоксиметилцеллюлоза асосида реагентлар ишлаб чиқариш лойиҳаси қурилиш, бурғилаш, озиқ-овқат саноати ва тиббиёт учун муҳим аҳамиятга эга. Шу йил март ойида Юқори Чирчиқ туманида унинг биринчи босқичи ишга туширилган. 2023 йилгача барча тўрт босқич амалга оширилгач, импорт ўрнини босувчи 9 миллион долларлик, экспортга йўналтириладиган 13 миллион долларлик маҳсулот тайёрланади. 100 та иш ўрни ташкил этилади.

Кўпикли полипропилен ишлаб чиқариш лойиҳасининг қиймати 5 миллион доллар бўлиб, унинг натижасида 40 та иш ўрни яратилади, 8 турдаги янги маҳсулот ўзлаштирилади. Бу маҳсулотлар иссиқлик сақловчи қутилар, хавфсизлик шлемлари, автомобиль ўриндиқлари, ўйинчоқлар ва бошқа буюмлар тайёрлашда қўл келади. Ушбу корхонани 2021 йил августда Тошкент шаҳрининг Яшнобод туманида ишга тушириш режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбари мазкур лойиҳалар тақдимоти билан танишиб, уларни жадаллаштириш ва сифатли амалга ошириш бўйича кўрсатмалар берди.

Тизимдаги ишларни давом эттириб, қурилиш, автомобилсозлик, фармацевтика соҳаларида талаб юқори синтетик толалар, полиэфир смола, полимерлар, ароматик углеводородлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш юзасидан топшириқлар берилди.

Йиғилишда “Ўзбекнефтгаз” акциядорлик жамиятининг биринчи ярим йилликдаги фаолияти якунлари ҳам муҳокама қилинди.

Карантин даврида ҳам тизимдаги барча корхонада узлуксиз ишлашга шарт-шароит яратилди. Натижада олти ойлик режалар бажарилиб, қўшимча 1 миллиард куб метр табиий газ, қарийб 22 минг тонна конденсат ва 1,2 минг тонна нефть қазиб чиқаришга эришилган. 11 лойиҳа бўйича жами 846,5 миллион доллар инвестициялар ўзлаштирилган.

Президентимиз ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини яхшилаш, маҳаллийлаштириш даражасини ошириб, импортни қисқартириш, соҳага рақамли технологияларни фаол татбиқ этиш бўйича кўрсатмалар берди.

Геология-қидирув ишларини кенгайтириш, углеводородларни қазиб олиш ҳажмини кўпайтириш бўйича истиқболли лойиҳаларга хорижий инвесторларни жалб қилиш муҳимлиги таъкидланди.

Йиғилишда фармацевтика ва электр техникаси саноатининг ривожланиш ҳолати, юқори қўшилган қийматга эга сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш, ушбу тармоқлар экспорт салоҳиятини кенгайтиришга қаратилган инвестиция лойиҳаларининг бориши ҳам кўриб чиқилди.

Мамлакатимизда электр техникаси саноатида 429 корхона мавжуд бўлиб, уларда 70 дан ортиқ турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Ўтган йил якунларига кўра, тармоқда 897,5 миллион долларлик маҳсулот ишлаб чиқарилган, 250,3 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинган.

Фармацевтика саноатида 202 та корхона фаолият юритмоқда. 2019 йил якунида бу тармоқда ишлаб чиқариш ҳажми 170 миллион долларни, экспорт 22,1 миллион долларни ташкил этган.

Ушбу икки тармоқда 52 мингдан ортиқ кишилар иш билан таъминланган.

Фармацевтика корхоналарининг аксарияти оддий формулали дори-дармонларни ишлаб чиқариш билан чекланмоқда. Шу боис импорт қилинадиган маҳсулотлар улуши 79 фоизни ташкил этади. Бу ҳали фойдаланилмаётган улкан салоҳият мавжудлигидан далолат беради. Айни пайтда фармацевтика саноатида умумий қиймати 630 миллион доллар бўлган 93 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилмоқда, шундан 355 миллион доллари хорижий инвестициялардир. Ушбу лойиҳаларни амалга ошириш 5,5 минг иш ўрни яратилишини таъминлайди.

Йиғилишда тегишли тармоқ, вазирлик ва идоралар раҳбарларининг ҳисоботлари эшитилди. Давлатимиз раҳбари фармацевтика ва электр техникаси саноатини ривожлантириш, уларнинг иқтисодиётдаги улушини ошириш, шунингдек, коронавирус пандемияси шароитида барқарор ишлашини таъминлаш бўйича аниқ вазифаларни қўйди.

Илмий ривожланишга хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш, янги ишлаб чиқаришларни ташкил этишни рағбатлантириш, шу жумладан, қўшимча эркин иқтисодий зоналар ва илғор ривожланиш ҳудудларини яратиш, ушбу соҳалардаги корхоналар ўртасида кооперацияни чуқурлаштириш, маҳсулот таннархини пасайтириш ва унинг рақобатдошлигини ошириш, маҳаллий маҳсулотларнинг ташқи бозорга экспортини кўпайтириш, шунингдек, электротехника ва фармацевтика соҳасидаги кадрлар салоҳиятини кучайтириш бўйича топшириқлар берилди.

**ЎзА.**

## ДУНЁ НИГОҲИ

«Халқ сўзи» учун махсус

## БМТнинг юқори даражали сиёсий форумида Ўзбекистон ҳақида маълумот тақдим этилди

*БМТ Бош қароргоҳида 7 — 16 июль кунлари БМТ Иқтисодий ва ижтимоий кенгаши шафелигида юқори даражали сиёсий форум бўлиб ўтди. Ушбу форум БМТнинг 2030 йилгача бўлган даврда Барқарор ривожланиш мақсадлари кун тартибини амалга оширишдаги ютуқларни кўриб чиқиш ва мониторинг қилиш учун асосий платформа вазифасини ўтади.*

“Фаолиятни жадаллаштириш ва йўлларни ўзгартириш: ўн йиллик барқарор ривожланишга эришиш йўлидаги саъй-ҳаракатлар” мавзуида ўтказилган форумда 47 та давлат ихтиёрий миллий шарҳларини тақдим этди.

15 июль куни Барқарор ривожланиш бўйича кун тартибида белгиланган вазифаларга эришишда мамлакатимиз томонидан 17 мақсаднинг амалга оширилиши жараёни ҳақида биринчи тақдимот бўлиб ўтди.

Тақдимотда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари Акмал Саидов, иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирининг биринчи ўринбосари Акмалхон Ортиқов иштирок этди.

Маърузачилар мамлакатимизнинг БМТ Тараққиёт дастурига тўлиқ мос келадиган кенг кўламли ислоҳотларни илгари суриш тарафдори ҳамда бунга эришиш Ўзбекистон давлат сиёсатининг устувор йўналиши эканини таъкидлашди. Мақсадлар ва барқарор ривожланиш кўрсаткичлари мамлакатнинг миллий дастурлари ҳамда стратегияларига қўшилиш даражаси 85 фоизлигига эътибор қаратилди.

➡ 2

## Олий Мажлис Қонунчилик палатаси

## Парламентда судьялар мустақиллигини таъминлаш масалалари муҳокама қилинди

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашга кўмаклашувчи комиссиянинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Президентимиз раислигида шу йилнинг 30 июнь куни ўтказилган одил судловни таъминлаш ва коррупцияга қарши курашиш борасидаги вазифалар муҳокамасига бағишланган видеоселектор йиғилишидан келиб чиқадиган масалалар атрофлича муҳокама қилинди.*

Таъкидланганидек, видеоселектор йиғилишида фуқароларнинг одил судловга эришиш даражасини ошириш ва коррупцияга қарши курашишга қаратилган 30 га яқин вазифалар белгиланган эди. Уларга кўра, илғор хорижий амалиёт асосида суд тизимини “бир суд — бир инстанция” тамойили асосида ташкил этиш, Олий суд томонидан ишларнинг назорат тартибида кўрилишини бекор қилишни назарда тутувчи қонун лойиҳаси ишлаб чиқилади. Шунингдек, жорий йил якунига қадар суд мажлисларини аудиоёзувдан фойдаланган ҳолда, мажбурий қайд этиш тизими жорий қилинади.

➡ 2

## ЎЗБЕКИСТОН – ВЕНГРИЯ:

## ҲАМКОРЛИК УФҚИ КЕНГАЯДИ

*Венгрия ташқи иқтисодий алоқалар ва ташқи ишлар вазири Петер Сийярто бошчилигидаги делегация мамлакатимизда бўлиб, қатор вазирлик ва идораларда учрашувлар ўтказди.*

Дастлабки учрашув 16 июль куни Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида ташкил этилди. Музокаралар чоғида сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестиция, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги, шунингдек, халқаро ҳамда минтақавий ташкилотлар доирасидаги Ўзбекистон — Венгрия муносабатлари истиқболи муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил октябрь ойида Боку шаҳрида Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгаши мажлиси доирасида Венгрия Бош вазири Виктор Орбан билан ўтказган учрашуви чоғида эришилган келишувларни амалга ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

➡ 3

## Олий Мажлис Сенати

## ЭРТА НИКОҲНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ МИЛЛАТ ГЕНОФОНДИНИ МУСТАҲКАМЛАЙДИ

*Эрта турмуш — мамлакатимиздаги долзарб ижтимоий муаммолардан бири ҳисобланади. Никоҳ ёшига етмаган йигит-қизларни ҳали мустақил ҳаётга тайёр бўлмаган, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини англамаган ҳолатда турмушга бериш ёки уйлантириш, бундай никоҳларнинг кўпинча расмий қайд этилмаслиги келажакда кўплаб қийинчиликларга сабаб бўлади. Шу боис бундай ҳолатларнинг олдини олиш — Олий Мажлис Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси олдига қўйилган муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.*

Моҳиятан, эрта турмуш бу ҳали ҳеч қандай умумий мақсадларсиз, ўзини ўзи таъминлаш кўникмаларига эга бўлмаган икки инсоннинг иттифоқи. Аксарият ҳолларда уларда мустаҳкам оила қуриш учун зарур билим ва қобилият шаклланиб улгурмаган бўлади. Шу боис бундай ёшларнинг биргаликдаги турмуши одатда узоқ давом этмайди. Оқибатда ёшгина аёллар ёлғиз она, фарзандлар эса тирик етим бўлиб қоладилар.

Ўзбекистонда давлат ва жамият оила мустаҳкамлигидан манфаатдор, бу борадаги вазифалар эса миллий қадриятларимиз даражасига кўтарилган. Олиб борилаётган профилактик тадбирлар натижасида қизларни эрта турмушга бериш билан боғлиқ вазият охирги икки йилда ижобий томонга ўзгарди. Хусусан, 2018 йилда 16 ёшли қизлар ҳамда 17 ёшли йигитлар орасида тузилган никоҳларнинг сони жами 7 тани, 2019 йилда 5 тани ташкил этган. Жорий йилнинг биринчи чорагида эса 16 ёшли қизлар орасида эрта никоҳ ҳолати қайд қилинмаган.

Сўнгги йилларда 18 ёшга тўлмаган қизлар орасида эрта туғуруқ ҳолатлари ҳам камайиб, 2018 йилда бундай салбий ҳолатлар 1,5 мингдан зиёд бўлган бўлса, 2019 йилда бу кўрсаткич 1,2 мингтани ташкил қилган. Жорий йилнинг биринчи чорагида 231 та эрта туғуруқ ҳолати қайд этилган.

Таҳлилларга кўра, ушбу муаммога, авваламбор, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлиги ва тиббий маданиятининг етарли эмаслиги сабаб бўлмоқда. Қолаверса, жамиятда қизларга нисбатан анъанавий қарашлар ўз кучини йўқотмаганлиги ҳам бундай вазиятларга олиб келмоқда.

➡ 2

## Эътироф

## Петер СИЙЯРТО:

## ВЕНГРИЯ ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН ЎЗАРО АЛОҚАЛАРНИ ТАРАҚҚИЙ ЭТТИРИШГА ИНТИЛМОҚДА

*Венгрия ташқи иқтисодий алоқалар ва ташқи ишлар вазири Петер Сийярто бошчилигидаги делегация мамлакатимизда бўлиб, Ўзбекистон — Венгрия муносабатларини қатор йўналишларда ривожлантириш бўйича икки томонлама учрашувлар ўтказди.*



Ташриф чоғида Петер Сийярто ЎзА мухбирига мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг жорий ҳолати ва истиқболлари хусусида қуйидагиларни гапириб берди:

— Сўзим аввалида мамнуният билан таъкидламоқчиманки, кейинги йилларда Ўзбекистон билан Венгрия ўртасидаги дўстона алоқалар жадал ривожланмоқда. Айниқса, пандемия шароитида ўзаро бирдамлигимиз янада мустаҳкамланди ва яққол намоён бўлди.

➡ 3

**УЙДА ҚОЛИНГ!**

# КОРОНАВИРУСГА ҚАРШИ УНИНГ БАРЧА ХАВФ ВА ХАТАРИНИ ТЎҒРИ БАҲОЛАБ, ҲАР ТОМОНЛАМА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ОРҚАЛИ КУРАШИЛАДИ



*Президентимиз Шавкат Мирзиёев 15 июль куни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида пандемия билан боғлиқ вазият муҳокамасига бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказди.*

*Афсуски, бугунги кунда коронавирус тарқалишининг олдини олиш ҳамда даволаш бўйича Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидаги ишлар талаб даражасида ташкил қилинмаган. Бутун мамлакат бўйича касалларнинг 40 фоизи ушбу ҳудуд ҳиссасига тўғри келмоқда.*

*Йиғилишда мавжуд вазиятни ўнглаш, муаммоларни бартараф этиш бўйича берилган топшириқлар ва уларнинг ижроси доирасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида соҳа мутасаддиларининг фикр-мулоҳазаларини ёзиб олдик.*

## Пандемияга қарши курашда кечаги стратегия бугунги кун талабига жавоб бермайди

**Беҳзод МУСАЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси**
**Бош вазири ўринбосари:**

— Мажлис ниҳоятда танқидий руҳда ўтди. Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида коронавирусга қарши курашиш бўйича кечаги тактика, кечаги стратегия бугунги кун талабига умуман жавоб бермаслиги таъкидланди.

Ҳақиқатан ҳам, пойтахтимизга хориждан кўплаб фуқароларимиз олиб келинмоқда. Қолаверса, фуқароларнинг ўзи ҳам карантин талабларига етарли эътибор қаратмагани туфайли касалланиш ҳолати кундан-кун ошиб бормоқда.

Эндиликда касалликнинг олдини олиш ва беморларни даволашда иш услубини бутунлай ўзгартириш талаб этилмоқда. Аввал вирусни аниқлаб, ундан сўнг даволашга ўтган бўлсак, ҳозирги ҳолат беморларга зудлик билан ёрдам бериш кераклигини кўрсатмоқда.

Шу мақсадда бугунги кунда Тошкент шаҳрида 135 та тез тиббий ёрдам машинаси аҳолига хизмат кўрсатаётган бўлса, зудлик билан яна 50 та ана шундай машина хизмати йўлга қўйилади. Пойтахтдаги Call-марказда фаолият кўрсатаётган ходимлар сони 40 нафардан 100 кишига етказилади.

Бугун Тошкент шаҳридаги поликлиникаларга 750 та мобиль телефон етказиб берилди. Шифокорлар кун давомида уч маҳал ўзини ўзи даволаш билан шуғулланаётган беморлардан қўнғироқ қилиб ҳол-аҳвол сўрайди ҳамда керакли маслаҳатларни беради.

Бугунги кунда коронавирусни бартараф этиш билан боғлиқ оғриқли масалалар нафақат соғлиқни сақлаш тизимининг, балки барча даражадаги мутасаддиларнинг ҳам муаммосидир. Ҳудуддаги секторларнинг тўрт раҳбари беморлар ҳолатидан хабардор бўлиши шарт. Бу орқали улар аҳолининг дард ва муаммолари ҳамда ҳудуддаги соғлиқни сақлаш тизими ҳолатини яқиндан билади.

## Муносабат

## Тез тиббий ёрдам хизмати 15 дақиқада етиб боради...

**Ниғматилла ЙЎЛДОШЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси**
**Бош прокурори:**

— Биринчи топшириқ фуқароларимизнинг ўзи безовта бўлаётган ҳолатлар юзасидан тиббиёт муассасаларига “103” телефон рақами орқали тез тиббий ёрдамга мурожаат қилишларида бирон-бир бандлик ҳолатлари бўлмаслиги юзасидан берилди. Бу борада тегишли давлат органларининг имкониятларини ишга солган ҳолда мурожаатларни қабул қилиш, ўз вақтида ўрганиш ва бирламчи тиббий ёрдамни ўз вақтида кўрсатиш чоралари кўрилади. Бундан буён “103” телефон рақамига мурожаат қилинганда бандлик ҳолатлари, айниқса, узоқ вақт банд бўлиш ҳолатларига мутлақо чек қўйилади.

➡ 3

# БМТнинг юқори даражали сиёсий форумида Ўзбекистон ҳақида маълумот тақдим этилди

1

Шунингдек, Ўзбекистон делегацияси республикамизда сўнгги уч йилда рўёби таъминланган туб ўзгаришлар, давлат бошқарувида парламент ролини ошириш, ислоҳотлар ижросида парламент назоратини кучайтириш, шунингдек, барқарор ривожланишни мониторинг қилиш ва парламент комиссияси фаолияти ҳақида батафсил маълумот берди.

Сессия иштирокчиларига индикаторларнинг бажарилиши ҳамда баҳоланиши устидан парламент назоратини кучайтириш, Барқарор ривожланиш мақсадлари бўйича миллий мақсадлар ва вазифаларни амалга ошириш учун ташкил этилган Мувофиқлаштирувчи кенгаш тўғрисида ахборот тақдим этилди.

Тақдимотда, шунингдек, Барқарор ривожланиш мақсадларини илгари суришда мамлакатимиз ютуқлари, хусусан, барқарор ривожланиш миллий стандартларини ишлаб чиқиш ва уларни ижтимоий, иқтисодий ҳамда экологик жиҳатлар билан уйғунлаштириш асосида фаровонлик даражасини кўтариш бўйича лойиҳалар амалга оширилаётгани айтиб ўтилди.

Ўзбекистон вазирлик ҳамда идораларининг институционал ривожланишида тегишли даражани юксалтириш учун методологияни шакллантириш ва Барқарор ривожланиш мақсадлари кўрсаткичларини ишлаб чиқиш учун мамлакат ҳамда БМТнинг таркибий бўлинмаси — БМТнинг Иқтисодий ва ижтимоий кенгаши ўртасида самарали ҳамкорликни давом эттиришга қизиқиш билдирилди.

Ўз навбатида, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Озарбайжон ва Беларусь делегациялари Ўзбекистоннинг ихтиёрий миллий шарҳлари бўйича саволлар билан мурожаат қилишди. Ўзбекистон томонидан мазкур саволларга батафсил жавоблар берилди.

Шундан сўнг БМТнинг Иқтисодий ва ижтимоий кенгаши вакиллари Ўзбекистон 2030 йилгача Барқарор ривожланиш мақсадларининг муҳим йўналишларини қамраб олган мазмунли ва батафсил шарҳни тақдим этиб, ихтиёрий миллий шарҳларга сифатли эришишда мамлакат ижобий тажрибага эга эканини таъкидлаб ўтишди.

**«Дунё» АА.**
Нью-Йорк



# Парламентда судьялар мустақиллигини таъминлаш масалалари муҳокама қилинди

1

Айтиш жоизки, йиғилишда назарда тутилган бир қатор вазифалар бевосита Олий Мажлис палаталари масъуллигида амалга оширилади. Масалан, Қонунчилик палатаси депутатлари ва сенаторлар эндиликда доимий равишда ҳудудларда судьялар корпуси, сектор раҳбарлари ҳамда жамоатчилик иштирокида мулоқотлар ўтказиб, соҳадаги муаммоларни маҳаллий Кенгашларда муҳокама қилиб боради. Парламентнинг масъул қўмиталари эса ҳар бир ҳудуднинг одил судлов ва коррупция масалаларига оид рейтинги юритилишини таъминлайди ҳамда натижалари бўйича парламент эшитувларини ўтказади.

Комиссия йиғилишида давлат раҳбари томонидан видеоселекторда кўрсатилган вазифаларни амалга ошириш мақсадида Олий Мажлис палаталари Кенгашларининг қўшма қарори билан "Йўл харитаси" ишлаб чиқилишига келишиб олинди.

Кейинги йилларда суднинг давлат ҳокимиятининг алоҳида ва мустақил бўғини сифатида фаолият кўрсатишини таъминлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Бинобарин, суд ҳокимиятининг икки олий органи Ўзбекистон Республикаси Олий судига бирлаштирилди.

Маъмурий судлар ташкил этилиши натижасида фуқароларнинг давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг бюрократик тазйиқларидан суд орқали ҳимояланиш кафолатлари яратилди. Суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлашга кўмаклашувчи конституциявий мақомга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тузилди.

Бироқ шунга қарамай, сўнгги пайтларда судьяларнинг дахлсизлигига тажовуз қилиш билан боғлиқ ҳолатлар кузатилаётгани ачинарлидир. Хусусан, ижтимоий тармоқларда шу йилнинг 10 июль куни, жиноят ишлари бўйича Жарқўрғон тумани судининг раиси Я. Беккамов, Жарқўрғон тумани маъмурий судининг раиси Х. Раҳимова хизмат автотранспорт воситаларида (ҳайдовчилари бошқарувида) туман суди биноси томон ҳаракатланиб келаётганларида, туман ҳокими бошчилигидаги ишчи гуруҳи томонидан туман марказига кираверишда ўрнатилган блок постдан ўтказилмагани борасида маълумотлар тарқалди.

Худди шундай, Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашига келиб тушган маълумотларга кўра, шу йилнинг 13 июль куни жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилояти судининг судьяси А. Эргашев Гулистон шаҳар ҳудудига киришда ўрнатилган блок постдан ўтмоқчи бўлганида, унинг бошқарувидаги автотранспорт воситаси ўтказиб юборилмаган.

— Судьянинг дахлсизлиги нафақат унинг тураржойига, хизмат хонасига, алоқа воситаларига, хат-хабарларига, балки у фойдаланадиган транспорт ва унга тегишли ашёлар ҳамда ҳужжатларга ҳам таалluқлидир, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Жаҳонгир Ширинов. — "Судлар тўғрисида"ги Қонуннинг 68-моддасига мувофиқ, судьяга нисбатан ҳурматсизлик қилиш, шунингдек, уни очиқдан-очиқ менсимасликдан далолат берувчи хатти-ҳаракатлар қилиш қонунга биноан жавобгарликка сабаб бўлади.

Йиғилиш аъзолари Судьялар олий кенгашидан юқоридаги ҳар иккала ҳолатни чуқур ўрганиш, қонунбузарлик ҳолатлари аниқланганда, тўпланган материалларни мутасадди идорага ҳамда натижаси бўйича Олий Мажлис ҳузуридаги Суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашга кўмаклашувчи комиссияга киритилиши юзасидан қарор қабул қилдилар.

Бундан ташқари, комиссия қарори билан Бош прокуратурадан Сурхондарё ва Сирдарё вилоятларида судьялар дахлсизлигига тажовуз қилиш ҳолатлари юзасидан суриштирув ҳаракатларини алоҳида назоратга олиш, Олий суддан эса судьялар мустақиллиги кафолатларини бузганлик учун жавобгарликни кучайтириш бўйича таклиф ишлаб чиқиш сўралди.

Шунингдек, Олий Мажлис палаталарининг масъул қўмиталарига судьялар мустақиллигини таъминлаш борасидаги қонунлар ижроси юзасидан мансабдор шахсларнинг ахборотини парламентда эшитишни ташкиллаштириш топширилди.

**«Халқ сўзи».**

# ДАСТЛАБКИ ОЛТИ ОЙЛИК ФАОЛИЯТ САРҲИСОБИ

*Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциясининг шу йил дастлабки олти ойлик фаолияти юзасидан онлайн тарзда матбуот анжумани ўтказилди.*

## Анжуман

Фракция раҳбари Улуғбек Иноятов тақдим этган маълумотга кўра, фракция ўз ишини Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва фракциянинг иш режалари ҳамда дастурларида белгиланган муҳим вазифалардан келиб чиққан ҳолда олиб борган. Жумладан, давлатимиз раҳбарининг "Саховат ва кўмак" умумхалқ ҳаракатини ташкил қилиш ҳамда амалга ошириш ташаббусининг мазмун-моҳиятини кенг оммага етказиш мақсадида партия ташкилотлари ва барча даражадаги депутатлик гуруҳлари томонидан карантин даврида бажариладиган ишлари юзасидан "Йўл харита"си ишлаб чиқилган.

Карантин қоидаларига риоя қилиш, ёрдам пулларининг манзиллилиги бўйича жамоатчилик назоратини ўрнатиш мақсадида партия ходимлари ва депутатлардан иборат "Партия кўнгиллилар жамоалари" ташкил қилинган. Ушбу жамоага партия кенгашлари масъул ходимларидан 214 нафари, маҳаллий Кенгашлар депутатларидан 1600 нафари жалб этилди. Кўнгиллилар гуруҳи томонидан бугунги кунгача 7000 га яқин маҳаллаларда тарғибот ишлари олиб борилган.

Ҳисобот даврида фракциянинг қонун ижодкорлиги йўналишида тасдиқланган режасига мувофиқ, 26 та йўналишда қонун ташаббусларини амалга ошириш бўйича ишчи гуруҳлари шакллантирилгани қайд этилди. Фракция депутатлари томонидан "яшаш минимуми" ва "истеъмол саватчаси" тушунчаларини қонунчиликда мустаҳкамлаш бўйича қонун лойиҳасининг концепциясини ишлаб чиқиш мақсадида тегишли таҳлилий материаллар тайёрланиб, вазирлик ҳамда ташкилотларга юборилди.

Ўтган ярим йил давомида фракция аъзолари томонидан Ўзбекистон Республикасининг 107 та қонуни лойиҳаси юзасидан 245 та таклиф ишлаб чиқилиб, масъул қўмиталарга тақдим этилди. Кўриб чиқилган қонун лойиҳалари бўйича фракция томонидан билдирилган таклифларнинг 114 таси инобатга олинган.

Шу билан бирга, парламент назоратини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Давлат дастурида белгиланган вазифалар ҳамда партия сайловолди дастури доирасида 18 та вазирлик ва ташкилот мутасаддиларининг ахборотлари танқидий эшитилиб, унинг якунлари бўйича муаммоларни бартараф этишга қаратилган тегишли вазифалар белгилаб олинди.

Анжуманда, шунингдек, депутатлик ва парламент сўрови, "яшаш минимуми" ҳамда "истеъмол саватчаси" бўйича қонун лойиҳаси концепцияси, карантин шароитида эҳтиёжманд оилаларни қўллаб-қувватлаш юзасидан амалга оширилаётган ишлар ҳақида ҳам маълумотлар берилди.

**Раҳим ШЕРҚУЛОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# ЭРТА НИКОҲНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ МИЛЛАТ ГЕНОФОНДИНИ МУСТАҲКАМЛАЙДИ

1

Эрта ҳомиладорлик ва туғуруқ ҳолатлари кузатилган ўқувчи қизларнинг қарийб ярми ота ёки онасиз оилаларда яшаётганлиги аниқланган. Шунингдек, оиладаги етишмовчилик, ота-оналарнинг ишсизлиги ёки кам даромад топиши ҳам қизлар тарбиясига салбий таъсир қилмоқда.

Кейинги йилларда аҳоли орасида оилавий ажримлар сони камайган бўлсада, масала долзарблигича қолмоқда. Қайд қилинган никоҳларнинг 10 фоизи ажралишлар билан якунланмоқда.

Оиладаги етишмовчилик, уй-жой билан боғлиқ муаммолар, муносабатларга ота-она ва бошқа қариндошларнинг ноўрин аралашуви, эр ҳамда хотин ўзаро муроса қилишни билмаслиги ёки улардан бири зарарли одатларга ружу қўйиши каби кўплаб сабаблар оила бузилишига олиб келаётир.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, куни кеча Олий Мажлис Сенати Кенгашининг "Эрта турмуш ва эрта туғуруқ ҳолатлари ҳамда оилавий ажралишлар билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида" қарори қабул қилинди. Унга кўра, эрта турмуш ва эрта туғуруқ ҳолатлари ҳамда оилавий ажралишлар билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш бўйича 2020-2021 йилларга мўлжалланган комплекс чора-тадбирлар дастури тасдиқланди.

Ҳужжатда ажралишларнинг олдини олиш, оилаларнинг мустаҳкамлигини таъминлаш ҳамда уларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш масалаларини чуқур ўрганиш ва таҳлил қилиш асосий вазифалардан бири сифатида белгиланган. Адлия вазирлиги, Олий суд, Бош прокуратура, Ички ишлар, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирликлари ва бошқа манфаатдор идоралар вакиллари иштирокида ўтказиладиган ўрганиш натижалари асосида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилади.

Шунингдек, дастурда Ўзбекистон Республикасида 2021 — 2025 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш концепцияси лойиҳасини ишлаб чиқиш, умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларини тиббий кўрикдан ўтказиш тартибини такомиллаштириш кўзда тутилган.

Бунда уларни кўрикдан ўтказиш тартибини бузганлик учун маъмурий жавобгарликни белгилаш, эрта турмуш, эрта туғуруқ ва оилавий ажримлар тўғрисидаги маълумотларнинг ёши бўйича ягона ҳисоблаш методологиясини ишлаб чиқиш каби чора-тадбирлар ҳам белгиланган. Уларнинг изчил амалга оширилиши мамлакатимизда кўплаб долзарб ижтимоий муаммоларни бартараф этиш ва пировардида миллат генофондини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

**Феруза ЭШМАТОВА,**
**Олий Мажлис Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси раиси.**

# ПОЙТАХТ ВА УНИНГ АТРОФИДАГИ ҲУДУДЛАР РИВОЖИГА ТУРТКИ БЕРАЁТГАН ЛОЙИҲА

*Хавфсизлик, тезлик, қулайлик. Пойтахтимизда барпо этилаётган ҳалқа метро тармоғининг ўзига хослиги, афзаллиги ана шу уч сўзда мужассамдир. Лойиҳа ташаббускорлари жаҳоннинг энг йирик шаҳарлари тажрибасига таянган, негаки, уларда бундай темир йўл тизими муваффақиятли фаолият юритмоқда, кутилганидан зиёд натижалар беряпти.*

## Мушоҳада

Давлатимиз раҳбари Тошкент шаҳрининг Сергели тумани фаоллари билан бўлган учрашувда бу ердаги ер усти метроси жорий йилнинг сентябрь ойида фойдаланишга топширилишини маълум қилган эди. Мамлакатимиз раҳбариятининг ушбу лойиҳа рўёбига бу қадар катта аҳамият бериши бежиз эмас. Чунки умумий узунлиги 52,1 километрдан иборат эстакада усулида қурилаётган тизим бир эмас, қатор муҳим масалаларни ҳал этишга хизмат қилади. Жамоат транспорти юкламасини енгиллаштириш, шаҳар марказида тирбандликни камайтириш, бу — лойиҳа келтирадиган фойданинг бир қисми, холос. Мутахассислар фикрича, янги тизим бутун Тошкент агломерацияси, яъни шаҳар ичкариси ҳамда унинг атрофидаги ўзаро боғлиқ аҳоли пунктлари ҳаётига сифат жиҳатидан яхши таъсир кўрсатади. Бундан ташқари, қатор қулайликлар яратади. Хусусан, шаҳар аҳолиси ва умуман, йўловчилар янги ҳаракатланиш йўналишларига эга бўладилар, янги ер усти метроси линияси бўйлаб қурилаётган уй-жойларга талаб ҳамда уларнинг капитализацияси ортади, янги жамоат масканлари пайдо бўлади. Биргина метро қурилишининг ўзи ижтимоий соҳадаги минглаб янги лойиҳаларга туртки беради. Бу ўзгаришларнинг барчаси "янги" сўзи билан чамбарчас боғлиқлигига аҳамият берган бўлсангиз керак. Зотан, у ҳам бўлса янгиланаётган юртимиз тараққиётининг сифат жиҳатидан янги босқичига хос жиҳат.

Қолаверса, тизим замонавий урбанизация жараёни юзага келтирган қатор муаммолар ечимига хизмат қилади. Улардан бири — "маятникли" миграция. Яъни аҳолининг шаҳар ёки шаҳар атрофидаги бир аҳоли пунктидан (яшаш жойидан) пойтахтнинг нариги чеккасидаги бошқа пунктга иш ёхуд ўқишга қатнаши билан боғлиқ муаммолар. "Маятникли" миграция ишлаб чиқариш ва одамларнинг жойлашуви номутаносиблиги натижаси ҳисобланади. У, айниқса, йирик шаҳарлар атрофидаги ҳудудларда кенг тарқалган. Бундай ҳолат оммавий автомобилизация, "тиғиз" соатларда транспорт муаммолари, автомобиль тураргоҳлари етишмаслиги, чиқинди газлар кўпайиши ҳамда пойтахт ҳудудида экологик вазият ёмонлашувини келтириб чиқаради.

Беш босқичда қурилаётган ер усти метро тизими тўлиқ ишга тушиши билан бу муаммолар ҳам аста-секин ҳал бўлади. Сабаби линия атрофида



янги тураржой массивлари, ишлаб чиқариш ва инфратузилма объектлари қад кўтаради, бу эса пировардида ҳудуд ривожланишига туртки беради. Урбанизация жараёнидаги марказлашиш барҳам топиб, аҳоли бутун агломерация ҳудуди бўйлаб бир текисда жойлаша бошлайди. Ахир, шаҳарнинг исталган нуқтасига тезда етиб бориш имконияти бўлса, шаҳар марказида уй олишга интилиш шарт эмас, аксинча, унинг чеккаси ёки атрофидан уй-жой қилинса ҳам, ҳаёт кўнгилдагидек кечади.

Бу жиҳат иш ўринларига ҳам тегишли. Чунки Тошкентда ер арзон эмас, ҳалқа йўли ичкарисида янги корхоналар қуришга ҳамманинг ҳам қурби етмайди, замонавий транспорт инфратузилмаси тайёр бўлганида эса шаҳардан бир неча километр нарида корхона қуриш кўпчилик тадбиркорлар учун айни муддао бўлади. Шу тариқа, "маятникли" миграция ҳам бартараф этилади. Йўловчи оқимлари эрталаб марказга, кечқурун четга интилмайди. Яна қўшимча тарзда ишбилармон инсонлар фаолияти ҳам янада рағбат топади.

Экспертларнинг фикрича, ер усти метросининг босқичма-босқич ишга туширилиши унинг атрофидаги ҳудудларнинг фаол ўзлаштирилишига хизмат қилади. Бу эса, ўз навбатида, уй-жой бозорига ҳам таъсир кўрсатади. Хусусан, транспорт қатновининг янада яхшиланиши бекатлардан 10 — 15 дақиқалик пиёда юриш масофасида жойлашган тураржой мажмуаларига бўлган талабни, демакки, уларнинг нархини ҳам оширади. Бу эса қурилиш индустрияси учун яна бир имкониятдир.

Гапнинг индаллоси, пухта ўйланган биргина лойиҳа пойтахтимиз ва шаҳар атрофи ҳудудлари ривожланишига катта рағбат бўлади, энг асосийси, аҳолига жуда кўп фойда келтиради.

**Баҳодир ҚОДИРОВ,**
**Олий Мажлис Сенати аъзоси.**

# «МАРКАЗИЙ ОСИЁ — ХИТОЙ» ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛАРИНИНГ БИРИНЧИ УЧРАШУВИ

*Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов видеоконференция шаклида ташкил этилган "Марказий Осиё — Хитой " биринчи вазирлар учрашувида иштирок этди.*

Тадбирда, шунингдек, Хитой Халқ Республикаси ташқи ишлар вазири Ван И, Қирғизистон Республикаси ташқи ишлар вазири Чингиз Айдарбеков, Қозоғистон Республикаси ташқи ишлар вазири Мухтар Тлеуберди, Тожикистон Республикаси ташқи ишлар вазири Сирожиддин Муҳриддин ва Туркманистон Вазирлар Маҳкамаси раиси ўринбосари, ташқи ишлар вазири Рашид Мередов қатнашди.

Коронавирус инфекциясининг олдини олиш, касаллик тарқалишини олдиндан баҳолаш ва чеклаш, эпидемияга қарши курашиш соҳасидаги ҳамкорликнинг долзарб масалалари, Марказий Осиё давлатлари ва Хитой иқтисодиёти, саноат қувватлари барқарор ўсишини таъминлаш механизмлари муҳокама қилинди.

Трансчегаравий хусусиятга эга эпидемиологик таҳдидларга қарши курашиш бўйича амалий чоралар самарадорлигини ошириш мақсадида мазкур видеоконференцияда иштирок этаётган мамлакатлар тиббиёт мутахассислари ва тегишли идоралари ўртасида мунтазам ҳамкорлик ўрнатиш зарурлиги қайд этилди.

Ҳозирги шароитда ўзаро савдони қўллаб-қувватлаш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, иқтисодиётни рақамлаштириш суръатини жадаллаштириш ҳамда транспорт-транзит йўлларининг диверсификациялашган тизимини шакллантириш йўлидаги саъй-ҳаракатларни бирлаштириш долзарблиги таъкидланди.

Ўзбекистон томони ҳамкорликнинг юқорида санаб ўтилган йўналишларини ўз ичига олувчи Пандемия ва унинг оқибатларига қарши курашиш бўйича комплекс дастурни биргаликда ишлаб чиқишни таклиф қилди.

Абдулазиз Комилов иштирокчилар эътиборини барқарорликни мустаҳкамлаш ҳамда Марказий Осиё давлатлари ва Хитой халқлари фаровонлигини ошириш учун аниқ инновацион, инфратузилма, транспорт-коммуникация ва энергетика лойиҳаларини амалга ошириш муҳимлигига қаратди.

Музокараларда минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, жумладан, Афғонистоннинг ижтимоий-иқтисодий инфратузилмасини қайта тиклаш масалалари бўйича ҳам фикр алмашилди.

**ЎзА.**

# БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШЛАРИ ҚАЙ ДАРАЖАДА ТАЛАБГА ЖАВОБ БЕРАДИ?

*Президентимиз Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида "ҳалоллик вакцинаси"га алоҳида тўхталиб, уни қўллаш орқали жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳа ва тармоқларида амалга оширилаётган ислоҳотларни шаффоф тарзда рўёбга чиқариш, қисқача айтганда, жамиятда коррупциянинг олдини олишга эришиш мумкинлигини таъкидлаган эди.*

## Нуқтаи назар

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 29 июндаги Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ташкил этилгани ушбу йўналишда олиб борилаётган саъй-ҳаракатларнинг яна бир амалий ифодасидир. Бинобарин, унинг зиммасига коррупция хавфи юқори бўлган соҳаларни аниқлаш, коррупциоген ҳолатларга сабаб бўлувчи шароитларни бартараф қилиш вазифаси юклатилди. Шу билан бирга, коррупцияга қарши самарали тарзда курашиш ҳамда шаффофликни таъминлаш устувор вазифа этиб белгиланди.

Бошқа соҳалар каби олий ва ўрта махсус таълим тизимида ҳам коррупцияни бартараф этиш учун, биринчи навбатда, коррупцион ҳолатларга олиб келиши мумкин бўлган айрим меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга тегишли ўзгартишлар киритиш зарур ҳисобланади. Албатта, бундай ўзгартишлар чуқур таҳлиллар натижасида, реал ҳаётий тажрибалар асосида амалга оширилмоғи лозим. Фикримизча, олий таълим муассасалари (ОТМ) бакалавриати битирувчилари тамонидан бажариладиган битирув малакавий ишига (БМИ) қўйиладиган талаблар акс этган Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2010 йилги буйруғига ҳам замонавий таҳлиллардан келиб чиқиб, тегишли ўзгартиришлар киритиш керак. Чунки бажарилаётган БМИларнинг аксарияти мазкур буйруқда қўйилган талабларга, кутилган натижаларга умуман жавоб бермайди. Бажарилган БМИларда жуда кўп плагиатликнинг мавжудлиги, мазмунининг саёзлиги, олдинги йилларда бажарилган мавзуларнинг такрорланиши, грамматик, стилистик хатоларнинг жуда кўплиги сингари хато ва камчиликларни келтириш мумкин. Айниқса, БМИ бажарилиши жараёнида коррупцион ҳолатлар пайдо бўлмоқда.

Шу боис Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 7 ноябрдаги буйруғида БМИни бажаришда юқорида кўрсатилган хато ҳамда камчиликларга йўл қўйиши мумкин бўлган битирувчи талабаларнинг бир қисми ихтисослик фанларидан якуний давлат аттестацияси синови топшириши ОТМ Кенгаши қарори асосида бўлиши кўрсатилган.

Лекин ОТМ Кенгашининг мос қарори тегишли кафедраларнинг тавсиялари асосида қабул қилинади. Афсуски, барча кафедраларда ҳам бу масалага реал ёндашилмаяпти, айни ҳолат эса вазиятнинг янада мураккаблашишига олиб келмоқда.

Бизнингча, муаммоларни маълум даражада ҳал этиш учун Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2010 йилги буйруғини бекор қилиш, БМИ тушунчасини умуман олиб ташлаш, уни ихтисослик фанларидан якуний давлат синовлари билан алмаштириш зарур. Агар бу йўл жуда кескин бўлса, БМИни бажариш борасида ихтисослик фанлари бўйича тўла аъло баҳоларга ўқиган битирувчиларга рухсат берилиши мумкин.

Бугунги кунда олий таълим соҳасидаги муаммоларни иккига ажратиш ўринли.

Биринчиси — тез фурсатларда ҳал этилиши қийин бўлган муммолар. Буларга профессор-ўқитувчиларнинг илмий салоҳияти кўрсаткичлари, уларни ишга қабул қилишда рақобат даражаси, илм — таълим — ишлаб чиқариш интеграциялари, замонавий илмий лабораториялар каби мисолларни келтириш жоиз. Таъкидлаш ўринлики, бугунги кунда мазкур муаммоларни ҳал этиш учун давлатимиз томонидан чуқур ислоҳотлар олиб борилмоқда ва илк муваффақиятли қадамлар ҳам қўйилмоқда.

Иккинчиси эса соҳадаги айрим меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиб, тез фурсатларда ҳал этиш мумкин бўлган муаммолардир. Мисол учун, кейинги уч йилда ОТМларга ўқишга қабул қилиш бўйича киритилган ўзгартишлар, яъни тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалиётга татбиқ этилиши натижасида қабул жараёнининг шаффофлиги ошди, ўқишга қабул қилинаётган талабаларнинг билим даражаси ҳам кутилган ижобий самарани берди.

Айни биз сўз юритаётган олий таълим муассасаларида БМИ муаммосини тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш орқали тез фурсатларда ҳал этиш мумкин. Бу эса мазкур соҳада коррупция ҳолатининг келиб чиқишига замин бўлаётган шарт-шароитларнинг олдини олишга қаратилган муҳим қадамга айланиши, шубҳасиз.

**Мухтор ИБРАГИМОВ,**
**Муҳаммад ВАЛИЕВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзолари.**

# КОРОНАВИРУСГА ҚАРШИ УНИНГ БАРЧА ХАВФ ВА ХАТАРИНИ ТЎҒРИ БАҲОЛАБ, ҲАР ТОМОНЛАМА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ОРҚАЛИ КУРАШИЛАДИ

1

Иккинчи топшириқ — тез тиббий ёрдам хизматини янада кучайтириш. Бу борада тегишли малакали тиббиёт ходимлари, тиббий техника ва транспорт воситаларини янада кўпайтириш, аҳолига қулай тез ёрдам кўрсатиш вазифаси олдимизга қўйилди.

Бундан буён 15 дақиқадан кўп бўлмаган вақтда зудлик билан тез тиббий ёрдам автомашиналари тегишли ходимлар билан етиб бориши тўлиқ таъминланади.

Учинчи масала, фуқароларимиздан тест намуналарини ўз вақтида олиш ва уларнинг жавобларини имкон қадар зудлик билан чиқариш бўйича бор имкониятларни сафарбар қилиб, тест намуналари таҳлилларини узоғи билан эртаси куни чиқариб бериш ва жавобларни мурожаат қилган фуқароларимизга ўз вақтида етказиш чоралари ҳам кўрилади.

Энг асосий топшириқлардан бири шу бўлдики, тиббий дори-дармонларга, тиббиёт воситаларига эҳтиёжни тўлақонли қондиришга алоҳида эътибор қаратилди. Бу борада кечанинг ўзида прокуратура органлари томонидан Тошкент шаҳридаги мавжуд 1700 дан ортиқ дорихоналар раҳбарлари расман огоҳлантирилди.

Коронавирусдан профилактика қилиш учун 5 турдаги ва касалликни даволашга мўлжалланган 9 турдаги мажбурий тартибдаги дори воситаларининг камида 1 ой ёки 2-3 ойлик захирасини тўлиқ таъминлаш ва уларни арзон нархларда аҳолига сотиш тартиби ҳам жорий қилинди. Бундан ташқари, пандемия шароитида аҳолининг қишлоқ хўжалиги, айниқса, озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини қоплаш мақсадида прокуратура органлари зиммасига “Даладан — дастурхонга” тамойили асосида ташкил этилган ишларни янада кучайтириш талаби қўйилди.

## COVID-19 га қарши Японияда ишлаб чиқарилган дори воситалари олиб келинди

**Алишер ШОДМОНОВ, Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири:**

— Йиғилишда коронавирус тарқалишининг олдини олиш, беморларни даволашда йўл қўйилаётган хато ва камчиликлар танқид остига олинди. Уларни зудлик билан ҳал этиш бўйича алоҳида топшириқлар берилди.

Топшириққа асосан, энди ҳар битта тез ёрдам станциясида мурожаатларни қабул қилувчи операторлар сони кўпайтирилади, қўшимча тез ёрдам бригадалари, поликлиникаларда мобиль гуруҳлар ташкил этилади. Янги автомобилларнинг келтирилиши натижасида уйида даволанаётган беморларга ёрдам кўрсатиш сифати ошади.

Шифохонада ва уйида даволанаётган барча беморлар учун олий таълим муассасалари ҳамда республика марказларидаги етакчи олимлар ва мутахассисларни бириктириш вазифаси қўйилди.

Бундан ташқари, аҳоли орасида хавотир ҳамда саросимани камайтириш нуқтаи назаридан Call-марказлар ва уларда ишлайдиган ходимлар сонини кўпайтириш бўйича топшириқлар берилди. Бу аҳолига сифатли ёрдамни кенгайтиради.

Куни кеча мамлакатимизга 200 минг қадоқ Японияда ишлаб чиқарилган, энг самарали дорилардан бири бўлган “Авиган” дориси келтирилди. Шифохоналардаги беморларимиз учун етарли миқдорда дорилар мавжуд.

Бундан ташқари, Президентимиз томонидан ҳар бир вилоят, ҳар бир туманда дори-дармон захираларини яратиш топшириғи берилди.

## Керакли миқдорда койка-ўринлар тайёрланади

**Ҳабибулла ОҚИЛОВ, Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази директори:**

— Ҳақиқатан ҳам, охирги ўн кун, икки ҳафта ичида вазият салбий томонга ўзгара бошлади. Ва буни ҳозир мана шундай кескин чоралар билан жиловлаб олмасак, бошқарувдан чиқиб кетиши мумкин. Давлатимиз раҳбари биз, шифокорлар, мутасаддилар, ҳокимият ва сектор раҳбарларини йиғиб, барчамизга аниқ-тиниқ вазифаларни қўйди. Шу ишларни тўғри амалга ошира олсак, биз бу вазиятни жиловлаб оламиз. Аҳоли орасида норозиликка сабаб бўлаётган муаммолардан бири “103” хизмати билан боғлиқ. “Телефон қиляпмиз, кўтаришмайди ёки узоқ кутиб қоляпмиз, тўғри жавоб беришмаяпти, касал бўлсак, олиб боришга жой йўқ, дейишяпти”, деб халқимиз улардан норози бўлмоқда. Мана шу масала бўйича топшириқлар бўлди.

Call-марказлардаги ўринлар, у ерга келаётган линиялар, мутахассислар сонини кўпайтириш масалалари ҳал қилинмоқда. Яна бир муаммо тез ёрдам машиналари билан боғлиқ эди, ана шундай замонавий транспортлар юртимизга келтирилганига қарамай, улар бугунги вазиятда етишмаяпти. Шунинг учун Тошкентга яна 50 та, амбулатор тизим хизматига 32 та “Damas” етказиб берилади.

Яна бир масала ПЦР аппаратлари ва ПЦР таҳлилларининг сони етмагани билан боғлиқ. Ҳар куни республика миқёсида 22 — 24 минггача анализ қилиняпти, лекин бу кам. Анализ тўпланиб қолиши, уч, тўрт, беш кун ичида жавоби чиқмаганидан кейин таҳлил топширган одам беморлигини ҳам билмайди, лекин халқнинг ичида юриб, бошқа инсонларнинг, улар эса, ўз навбатида, яна бошқа фуқароларнинг вирус юқтириб олишига, оқибатда вируснинг тарқалишига сабаб бўлаётганди. Мана бу масалалар ҳал бўляпти. ПЦР аппаратлари сонини кўпайтириш, уларни қўйиш учун шароитларни яратиш, уларда ишлаш учун мутахассисларни тайёрлаш ва бошқа масалалар бўйича аниқ топшириқлар олинди.

Тошкент шаҳри ҳамда Тошкент вилоятида тайёрланган захира койка-ўринлар етмаётгани билан боғлиқ яна бир катта муаммо бор эди. Ҳозирги кунда клиникаларнинг профилини ўзгартириб, у ерга ҳам беморларни ётқизишга мажбур бўляпмиз. Керакли миқдорда койка-ўринлар тайёрлаш юзасидан ҳам топшириқлар берилди.

**«Халқ сўзи».**

ЎЗБЕКИСТОН — ВЕНГРИЯ:

# ҲАМКОРЛИК УФҚИ КЕНГАЯДИ

1

Вазирлар Абдулазиз Комилов ва Петер Сийярто турли даражадаги бўлажак тадбирлар жадвалини кўриб чиқди. Икки томонлама учрашувлар кун тартиби ва ташкилий жиҳатларини батафсил ишлаб чиқиш учун ташқи ишлар вазирликлари ўртасида маслаҳатлашувларнинг навбатдаги даврасини ўтказиш зарурлиги қайд этилди.

Ташқи сиёсат идоралари раҳбарлари Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгаши ҳамда “Ўзбекистон — Венгрия — Европа Иттифоқи” формати доирасидаги Ўзбекистон — Венгрия ҳамкорлигини мустаҳкамлаш масалалари бўйича ҳам фикр алмашдилар.

Учрашув сўнгида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги билан Венгрия Ташқи иқтисодий алоқалар ва ташқи ишлар вазирлиги ўртасида дипломатик тайёрлов ҳамда ахборот ва ҳужжатлар билан алмашинув соҳасида ҳамкорлик тўғрисида Англашув меморандуми имзоланди.

Венгрия делегацияси аъзолари Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари — инвестициялар ва ташқи савдо вазири Сардор Умурзоқов билан ҳам учрашди.

Мулоқот давомида савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликни янада кенгайтириш учун улкан салоҳият мавжудлиги таъкидланди, икки томонлама савдо ҳажмини ошириш механизмлари муҳокама қилинди.

“Hilton” меҳмонхонасида Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда Венгрия аграр, озиқ-овқат ва қишлоқ ҳудудларини ривожлантириш палатаси, шунингдек, Венгрия чорвадорлар уюшмаси вакиллари ўртасида мулоқот бўлиб ўтди.

Учрашув давомида дўстона муносабатларни янада кенгайтириш, хусусан, ветеринария ва чорвачилик соҳасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш орқали мамлакатларимиз иқтисодий ҳамда ижтимоий тараққиётига ҳисса қўшиш, бу борадаги ўзаро саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштириш масалаларига эътибор қаратилди.

Музокаралар якунига кўра, томонлар кўплаб долзарб йўналишларни қамраб олган Чорвачиликни ривожлантириш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битимни имзоладилар.

Венгрия делегациясининг мамлакатимизга ташрифи кун тартибидан маданий-гуманитар соҳадаги муносабатларни ривожлантириш масаласи ҳам ўрин олган. Меҳмонларнинг Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги раҳбарияти билан учрашуви чоғида икки мамлакатнинг етакчи олий таълим муассасалари ўртасида алоқа ўрнатишга алоҳида қизиқиш билдирилди. Бу борадаги муносабатларни янада кенгайтиришни назарда тутувчи меморандум имзоланди.

Петер Сийярто бошчилигидаги Венгрия делегациясининг Ўзбекистонга ташрифи мамлакатларимиз ўртасидаги кўп йиллик дўстона, ўзаро ишончга асосланган икки томонлама манфаатли алоқаларни, сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестиция, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги мавжуд ҳамкорликни янги босқичга кўтаришга хизмат қилади.

Петер СИЙЯРТО:

# ВЕНГРИЯ ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН ЎЗАРО АЛОҚАЛАРНИ ТАРАҚҚИЙ ЭТТИРИШГА ИНТИЛМОҚДА

1

Зеро, мана шундай синовли вазиятда саноқли давлатлар қаторида Ўзбекистон ҳам Венгрияга беминнат ёрдам қўлини чўзди. Хусусан, ҳимоя воситаларини топиш мушкул бўлиб қолган кунларда Ўзбекистон Венгрияга мустаҳкам дўстлик, бирдамлик ва ҳамжиҳатлик белгиси сифатида 650 мингта тиббий ниқоб ҳамда бошқа ҳимоя воситаларидан иборат инсонпарварлик ёрдамини жўнатди.

Ушбу ташрифимдан кўзланган асосий мақсадлардан бири давлатимиз ва халқимиз номидан оғир шароитда кўрсатилган эътибор учун Ўзбекистон халқига миннатдорлик билдиришдир.

Марказий Осиё мамлакатлари, хусусан, Ўзбекистон билан ҳамкорликдан умидимиз катта. Мамлакатингиз бизга турли соҳалар бўйича жуда қулай имкониятларни таклиф этяпти. Бу Венгрия компанияларининг ўзаро ҳамкорлик ўрнатишга қизиқишини янада оширмоқда. Пандемия шароитига қарамай, тобора кенгайиб бораётган савдо-иқтисодий муносабатларимиз машинасозлик, атом энергетикаси, банк-молия ва фармацевтика каби муҳим йўналишларни қамраб олган.

Венгриянинг илғор фармацевтика компанияларидан бири Ўзбекистон бозорида 25 йилдан буён фаолият юритади. Атом энергетикаси соҳаси учун мутахассислар тайёрлаш ва малакасини ошириш борасида ҳам истиқболли лойиҳаларни амалга оширишга тайёрмиз.

Жорий йилда ўзбекистонлик талабаларнинг Венгрия олий таълим муассасаларида таҳсил олиши учун квоталар сонини 100 тага етказдик. Ўқиш харажати тўлиқ Венгрия ҳукумати томонидан қопланади.

Қишлоқ хўжалигига ихтисослаштирилган кўплаб корхоналаримиз Ўзбекистон билан изчил ҳамкорликни йўлга қўйган. Венгрия бугунги кунда юртингизга озиқ-овқат маҳсулотларини экспорт қилиш билан чекланмасдан, қишлоқ хўжалиги соҳасида фойдаланиладиган технологияларни ривожлантиришга ҳам салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Венгрия Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлишини қўллаб-қувватлайди. Бу ЖСТ, қолаверса, дунё иқтисодий ҳамжамияти учун бирдек фойдали. Ўзбекистон ҳамда Европа Иттифоқи ўртасида кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланишининг ҳам тарафдоримиз. Ушбу келишув Венгрия учун ҳам кўплаб манфаатли жиҳатлари борлиги билан аҳамиятли.

Ўзбекистоннинг пандемия шароитида иқтисодий барқарорликни сақлаш йўлидаги саъй-ҳаракатлари, хусусан, яратилаётган қўшимча иш ўринлари, тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирлар алоҳида эътиборга молик.

Қисқача айтганда, Венгрия мамлакатингиз билан ўзаро алоқаларни янада тараққий эттиришдан манфаатдор. Қолаверса, биз Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасидаги ҳамкорлик ривожида кўприк вазифасини ўташни истаймиз.

**ЎзА мухбири**
**Ғайрат ХОННАЗАРОВ**
**ёзиб олди.**

Онлайн конференция

# САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ — УЛУҒБЕК МАДРАСАЙИ ОЛИЯСИНИНГ ВОРИСИ

*Халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг шу йил 26 июндаги қарори билан Самарқанд давлат университетининг 600 йиллик юбилейини 2020 йил сентябрь ойида нишонлаш таклифи қўллаб-қувватланди. Ушбу қарор бўйича СамДУнинг тарихий илдизлари билан халқаро жамоатчиликни кенг таништириш мақсадида “Самарқанд давлат университети — Улуғбек мадрасайи олиясининг вориси” мавзуида онлайн тарзда халқаро илмий конференция ташкил этилди.*



Икки кун давом этадиган мазкур нуфузли анжуман ишида нафақат мамлакатимизнинг барча олий таълим муассасалари раҳбарлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати, вазирлик ҳамда идоралар вакиллари, балки кўплаб хорижий давлатларнинг нуфузли олий ўқув юртлари раҳбарлари ҳам қатнашмоқда.

Тадбирнинг очилишида мамлакатимизда олий таълим тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Олий ўқув юртлари фаолиятини замон талабларига мослаш, моддий-техника базасини яхшилаш, тарихини ўрганиш борасидаги ишлар уларнинг нуфузини оширибгина қолмай, халқимизнинг миллий ғururини ҳам юксалтиради.

Конференцияда айтилганидек, тарихий манбалар ва илмий тадқиқотларда Самарқанд давлат университети Мирзо Улуғбек олий мадрасасининг бевосита вориси эканлиги ҳамда унинг таъсис этилиш тарихи 1420 йилга бориб туташиши келтирилган. Шу боис университет ёшининг 600 йил этиб белгиланиши мамлакатимиз олий таълим тизимининг қадимий эканлигини эътироф қилиш ва тарихий ҳақиқатни тиклашда муҳим қадам бўлади.

Онлайн конференциянинг очилиш маросимида Самарқанд вилояти ҳокими Эркинжон Турдимов сўзга чиқиб, иштирокчиларни қутлади ва анжуман ишига муваффақият тилади.

— Тарихий манбаларга кўра, Ўрта Осиёдаги энг қадимги даврлардан фаолият юритган билим масканлари — мадрасалар ўз даврининг олий таълим муассасаси, яъни университетлари мақомида бўлган, — дейди вилояти ҳокими Э. Турдимов. — Бу даргоҳларда илмий салоҳиятда ниҳоятда юксак даражаларга эришган олимлар, мутафаккирлар тўпланган ва уларнинг фаолият юритишлари учун қулай тизим ҳамда шароит яратилган. Аммо шу пайтгача биз юртимиздаги олий таълим муассасаларига XIX асрда асос солинган, деб ҳисоблаб келганмиз. Ваҳоланки, Европа мамлакатлари ҳам черков ёки бошқа диний марказлар негизида ташкил этилган дастлабки билим масканларини университетларга айлантириш ва уларнинг ёшини белгилашда ўша диний марказларнинг очилиш санасини қабул қилганлар. Масалан, Буюк Британиядаги дунёга таниқли Оксфорд университети ўз тарихини 1096 йилдан, яъни мамлакат руҳонийлари ўз ходимларига таълим бериш учун ташкил этган кун билан белгилайди.

Маълумотларга кўра, Туркиядаги Ая София мадрасасида Султон Меҳмет Фотиҳнинг таклифига кўра, 1464 — 1474 йилларда Мирзо Улуғбекнинг шогирди, машҳур астроном Али Қушчи мударрислик қилган. Али Қушчи ўз вақтида Самарқандда Мирзо Улуғбек мадрасасида сабоқ берган, осмон жисмларини, математикани ўрганган ва тадқиқ этган. Бу дегани, бизда ҳам олий таълимнинг илдизи узоқ тарихга бориб тақалади. Бизнинг заминимиздан етишиб чиққан ҳамда чет элдаги мадраса ва илмий марказларда маъруза ўқиган алломаларимиз ана шу мадрасаларда камолга етган.

Халқаро онлайн илмий конференцияда, шунингдек, юртимиз ҳамда хорижлик олимларнинг, дунё тан олган профессор ва академиклар, зиёлиларнинг бу борадаги қимматли фикрлари, долзарб мавзулардаги маърузалари тингланди.

Таъкидланганидек, Мирзо Улуғбек 1420 йилда таъсис этган мадраса ўзининг кўлами, салоҳияти ва олий мақоми билан Шарқда жуда тез шуҳрат қозонди. Бу мадраса бошқа олий мадрасалардан даврининг турли фан соҳаларини қамраб олиши, олиб борилган илмий ишлар кўламининг кенглиги ҳамда оламшумуллиги, дунёвий илмларнинг ўқитилиш даражаси, олимларининг машҳурлиги билан тубдан фарқ қилган. Бу мадрасада чет мамлакат ва шаҳарлардан келган илму толибларга ўз даврининг 70 дан ортиқ таниқли мударрис-олимлари сабоқ беришган.

Мирзо Улуғбек мадрасасида дастлабки дарсни 1420 йил 21 сентябрда Шамсиддин Муҳаммад Хавофий ўтганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд. 90 дан ортиқ тингловчилар қатнашган машғулотни Мирзо Улуғбек ва Қозизода Румий ҳам кузатиб борган.

Илмий жамоатчиликнинг фикрлари, таклифлари инобатга олиниб, айнан шу сана, яъни Мирзо Улуғбек мадрасайи олиясида ўқув йилининг ҳамда мадраса фаолиятининг бошланиши Самарқандда дорилфунунга тамал тоши қўйилган кун деб таъкидланмоқда. Бугунги СамДУ ана шу олий таълим даргоҳи меросхўридир.

Бу тарихий ҳақиқат нафақат Самарқанд давлат университети, балки бутун мамлакатимиз олий таълим тизимининг тарихи, нуфузи ва илмий салоҳияти нақадар чуқур илдизларга эга эканлигини кўрсатади.

Халқаро анжуман ўз ишини давом эттирмоқда.

**Абдулазиз ЙЎЛДОШЕВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# 23 турдаги касб-ҳунарга йўналтирувчи марказ қурилиши бошланди

*Андижон вилоятининг Хўжаобод туманида “Ишга марҳамат” мономаркази қурилиши бошланди.*

Имконият

Ёшлар бандлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этиши кутилаётган ушбу марказда 23 турдаги касб-ҳунарга йўналтириш, 3 та хорижий тилни ўргатиш, чет элга вақтинчалик кетаётган ва қайтган фуқароларни ижтимоий мослаштириш, тадбиркорлик асослари, бизнес лойиҳа тузиш, юридик хизмат кўрсатиш каби йўналишларда фаолият олиб борилади.

— Бугунги кунда ёшлар учун янги иш ўринлари очиш, уларнинг ҳалол меҳнат қилиб, даромад топиши учун кенг шароитлар яратилмоқда, — дейди Хўжаобод туманида истиқомат қилувчи Раҳимжон Асқаров. — Ўз вақтида ўқиб-ўрганмаганим боис, шу пайтгача доимий ишим ҳам, ҳунарим ҳам йўқ эди. Барпо этиладиган марказ айнан мен каби йигит-қизлар учун катта имконият эшикларини очишига ишонаман.

**Саминжон ҲУСАНОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

ЭЪЛОН




Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси Қўмита аъзоси Т. М. Аҳмадалиевга онаси
**Дилобар АҲМАДАЛИЕВАнинг**
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га
ЭЪЛОНЛАР
ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
71-232-10-63,
71-232-11-15.
E-mail: reklamaxs@mail.ru
reklama@xs.uz
02



*Яқинда “Ookla” компаниясининг Speedtest.net сервиси коронавируснинг интернет глобал суръатига таъсирини эълон қилди. Қайд этилишича, июнь ойининг иккинчи ярмида дунёда интернет тезлиги 2, глобал мобиль интернет тезлиги эса 8 фоиз ўсган. Хусусан, Ўзбекистонда ҳам мазкур кўрсаткичлар мос равишда 8 ва 16 фоизни ташкил этгани, мамлакатимизда охирги бир йилда бу борада ижобий ўзгаришлар кузатилаётгани таъкидланди.*

*Таҳлилларга кўра, юртимизда интернет тезлиги 2019 йил март ойи ҳолатига кўра, 11,62 Мбит/с., 2020 йил 1 июнга келиб эса 26,77 Мбит/с.ни ташкил қилган бўлса, 15 июндан кейин бу 27,59 Мбит/с.гача кўтарилган.*

*Ушбу янгилик ижтимоий тармоқларда катта акс садо берди, ижобий ва танқидий фикрлар, ҳатто кескин муносабатлар ҳам билдирилди. Интернет тезлиги ҳақидаги бир қарашда оддий туюладиган, кичкина янгиликка нисбатан жамиятнинг кучли реакцияси нимадан далолат беради?*

*Албатта, Ўзбекистонда рақамли технологиялар ривожланаётгани, оммалашиб, уларга нисбатан эҳтиёж ортаётгани, талаб кучайиб бораётганини англатади.*



# «SMART-ИҚТИСОДИЁТ» ВА ТАЪЛИМ

## ЎЗБЕКИСТОНДА УНИ ҚАНДАЙ УЙҒУНЛАШТИРИШ МУМКИН?

### Илк, аммо ишончли қадамлар

Бу нафақат ҳозирги пандемия пайтида, умуман, замонавий тараққиёт шароитида ҳам жуда муҳимдир. Президент ташаббуси билан жорий йил “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” деб эълон қилингани, Олий Мажлисга йўлланган Мурожаатномада рақамли иқтисодиётга фаол ўтиш келгуси 5 йилдаги энг устувор вазифалардан бири сифатида белгиланганининг ўзиёқ кўп нарсани англатади. Зеро, бугунги кунда мамлакатнинг барқарор тараққиёти, дунё майдонидаги рақобатдошлигини ошириш, жамият фаровонлигини таъминлаш, ҳар бир инсон салоҳиятини юзага чиқаришда айнан рақамли технологиялар кундан-кунга долзарб аҳамият касб этиб боряпти.

Масалан, экспертларнинг фикрича, келгуси 3 йилда иқтисодиётни рақамлаштириш орқали дунёдаги 22 фоиз иш ўринлари интернет технологиялари ёрдамида яратилади. Ёки Жаҳон банки ҳисоботига кўра, кенг полосали интернет тармоғини 10 фоиз кенгайтириш эвазига ялпи ички маҳсулотни камида 1 фоиз ўстириш мумкин экан.

Ҳозирги кунда эса дунё ялпи маҳсулотининг 15,5 фоизгача улушини рақамли иқтисодиёт ташкил этиб, охирги 15 йилда у глобал ялпи маҳсулотга нисбатан 2,5 баробар тез ошган.

Мазкур йўналишдаги ишлар келгуси 2-3 йилда тўлиқ амалга оширилмаса, ҳар бир кечиккан йилимиз мамлакатимизни 10 йил орқага тортиши ҳақида бот-бот таъкидланаётганининг боиси ҳам шунда. Бинобарин, сўнгги йилларда юртимизда ушбу соҳага бўлган эътибор тубдан ўзгарди. Тегишли ҳужжатлар ҳаётга татбиқ этилди. Хусусан, Президентнинг жорий йил 28 апрелдаги “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорини олиб кўрайлик. Шу асосда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигида рақамли иқтисодиёт билан шуғулланадиган яхлит тизим яратилди. Айни чоғда иқтисодиётнинг реал секторида 5,3 триллион сўмлик 87 та лойиҳа, телекоммуникациялар борасида 15,1 триллион сўмлик 35 та, аграр соҳада 24 та, IT-парклар бўйича 18 та лойиҳа амалга оширилиши белгиланган.

Ўз навбатида, ўтаётган йилда оптик толали алоқа қамровини мактабгача таълим тизимида 41 фоиздан 100 фоизга, халқ таълимида 40 фоиздан 70 фоизга, соғлиқни сақлаш соҳасида 38 фоиздан 100 фоизга етказиш, ижтимоий объектларни юқори тезликдаги интернет билан таъминлаш, тезкор мобиль интернет қамровини йил якунигача 90 фоизга етказиш, лойиҳа қиймати 30 миллион долларлик “дата центр” қуриш режалаштирилган.

Зеро, Ўзбекистонда ЯИМ ҳажмини 2 баробар ошириш мақсад қилинган экан, бунга рақамли иқтисодиёт механизмларисиз эришиб бўлмайди. Бу борада дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва технологик майдончалар яратиш орқали “рақамли тадбиркорлик”ни ривожлантириш, 2023 йилга бориб, ушбу соҳадаги хизматлар ҳажмини 3 баравар ошириш ва уларнинг экспортини 100 миллион АҚШ долларига етказиш муҳим аҳамият касб этади. Энг асосийси, таълимга ҳам рақамли технологияларни жадал жорий қилиб бориш нафақат ўрта, балки узоқ истиқбол нуқтаи назаридан ниҳоятда зарурдир. Бу борада юртимизда келгуси ўқув йилида “1 миллион дастурчи” лойиҳасига 47 минг нафар ўқувчини қамраб олиш, соҳага замин яратиш учун мактабларда 7-синфдан бошлаб дастурлаш асосларини ўқитишни йўлга қўйиш кўзда тутилгани айни муддаодир.

Албатта, булар инновацион тараққиёт йўлида қўйилаётган дастлабки қадамлардир.

### Ҳақиқатга айланаётган хаёлот

Таъкидлаш жоизки, рақамли иқтисодиёт атамаси биринчи бўлиб Доналд Табскотнинг 1995 йили нашрдан чиққан асарида тилган олинган. Илмий қарашларни умумлаштириб, шундай дейиш мумкинки, рақамли иқтисодиёт дегани иқтисодиёт ва жамият ҳаётининг барча жабҳасига рақамли технологияларнинг жадал кириб боришидир.

Бугунги кунда рақамли платформалар қамраб олмаган жабҳанинг ўзи қолмади ҳисоб. Истеъмолчилар “Facebook”, “Twitter”, “Instagram”, “Youtube” каби ижтимоий тармоқлар ахборотлари таъсири остида. Ўзаро мулоқот қилиш, ахборот алмашиш ва ҳатто ҳаёт кечириш, бизнес юритиш учун эса биргина смартфон ё планшет, ноутбук ёки компьютернинг ўзи кифоя. Қисқаси, бугун Жюль Верн, Айзек Азимов каби фантаст ёзувчиларнинг асарларини ўқиётган одам ажабланмай қўйди. Боиси улардаги аксарият хаёлот маҳсуллари ҳақиқатга айланиб улгурди.

Рақамлашув инсонлар турмуш тарзининг барча жиҳатини адабиётларда эмас, ҳаётда интеграция қиляпти. Бугун Тошкент, Гулистон, Қарши, Андижон, хуллас, ўз уйингизда ўтириб АҚШда ўқишингиз, врачнинг электрон қабулига ёзилишингиз, кредит олишингиз, банк ҳисоб рақамларини бошқаришингиз, исталган таомга буюртма беришингиз мумкин. Бундай жараёнлар бошланганига анча бўлди. Пандемия буни янада жадаллаштирди, оммалаштирди, холос.



### Рақамлаштиришнинг тўрт тоифаси

Албатта, чуқурроқ назар ташласак, ҳали бу борада амалга ошириладиган ишлар, режалар жуда кўп. Бунинг сабабини билиш, тушуниш учун, келинг, таниқли “PwC” консалтинг компаниясининг бир таҳлилига эътибор қаратсак. У 2019 йилда жаҳоннинг 150 давлатида рақамлаштириш даражасини ўрганиб, шулар асосида мамлакатларни тўрт тоифага ажратди.

Биринчи гуруҳдан рақамлаштириш бўйича ҳамон 30 фоизлик маррани босиб ўтмаган, инсон капитали борасида халқаро индексларда пастки ўринларда бораётган 65 давлат, жумладан, Ўзбекистон ҳам жой олди.

Рақамлаштириш борасида 30 — 40 фоизлик натижа қайд этган 19 мамлакат эса иккинчи тоифага киритилди. Улар ўз тараққиётини, асосан, бой табиий ресурслари ва арзон ишчи кучи ҳисобига таъминлаб келади, киши бошига ЯИМ даражаси пастлиги эса ижтимоий инфратузилмалар етарли даражада ривожланмагани, аҳолининг энг камбағал ва бой қатламлари орасидаги фарқнинг катталиги билан боғлиқ.

Учинчи гуруҳдаги 28 та давлатда эса трансформация жараёнлари бошланган бўлиб, уларда рақамлаштириш 40 — 50 фоизга етган, ахборот-коммуникация технологияларида сифатли ўзгаришлар кузатиляпти. Бу эса жамиятда қўшимча қиймат яратмоқда. Рақамли технологиялардан фойдаланган ҳолда аниқ фаолият турларида муҳим ўзгаришлар рўй бераётир. Буларни бизнес натижаларга эришиш, бизнес стратегиялари ижросини таъминлаш, янги бизнес моделларини шакллантириш мисолида яққол кўриш мумкин.

Ва ниҳоят тўртинчи гуруҳда ўз соҳасининг пешқадамлари эътироф этилди. Рақамлаштириш даражаси 50 фоиздан ошган ушбу 37 мамлакат орасидан АҚШ, Япония, Буюк Британия, Франция, Германия, Австралия кабилар ўрин олди. Бундай давлатларда киши бошига ЯИМ кўрсаткичи ҳам юқори бўлиб, улар инсон ривожланишига оид халқаро рейтингларда ҳам етакчи ҳисобланади.

### «Олтин ўрталик»ни топа билиш керак

Ўзбекистонда бу борадаги туб ислоҳотлар бошланганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Шу боис биринчи тоифада эканлигимиздан асло хавотирга тушиш керак эмас. Аксинча, буни ўз устида тинимсиз ишлаш, изланиш учун чақириқ, деб қабул қилиш жоиз. АКТ соҳасида ҳали фойдаланилмаган имкониятлар кўп, дея тушуниш лозим. Тўғри, ҳамон ўтмиш трендлари, масалан, тезкор интернет, “булутлар”даги маълумотлар, қоғозлар ва флешкалардаги ахборотлардан фойдаланиш жамиятимиз учун характерли бўлса-да, бироқ дронлар ва “дата-центр”лар, маълумотлар базаларидан фойдаланиш бўйича саъй-ҳаракатлар бошлаб юборилгани ҳеч кимга сир эмас. Энг асосийси, иқтисодиётни рақамлаштириш босқичма-босқич амалга оширилиши, келажакда бу борадаги номувофиқликларга йўл қўймаслик лозим.

Зотан, рақамли иқтисодиёт ижтимоий ҳаёт ҳамда унинг барча соҳасига таъсир этади ва бу миқёс кенгайиб бораверади. Мазкур жараённинг афзалликлари ҳамда камчиликларини ҳам бирдек ўрганиш мақсадга мувофиқ.

Электрон савдонинг ривожланиши, пластикдан фойдаланишнинг қисқариши ҳисобига экологияга ижобий таъсир кўрсатиш, иқтисодиёт шаффофлигининг ошиши, мамлакат иқтисодиёти тузилмаси ва меҳнатни ташкил қилиш шаклининг ўзгариши, ҳудудий нотенгликларни енгиб ўтиш бу борадаги ижобий тарафлардир. Гаджетларнинг кетидан тўхтовсиз қувиш эвазига маънавий қадриятлар, дейлик, китоб ўқиш, оила даврасида мазмунли суҳбат қуриш, ота-она ҳолидан хабар олишни унутиш, “интернетмания” туфайли соғлом турмуш тарзидан, спортдан узоқлашиш, семириб кетиш, турли касалликларга чалиниш, ҳар хил ёт қарашлар ҳамда бузғунчи ғоялар таъсирига тушиб қолиш унинг салбий жиҳатларидир. Ахборот ва қулайликларнинг ўта даражада кўпайиб кетиши эса таниқли психолог Эрих Фромм таъбири билан айтганда, эркинликдан қочиш, хонанишинлик каби руҳий муаммоларни ҳам келтириб чиқариши мумкин. Шу боис бу йўналишдаги ислоҳотларни “сихни ҳам, кабобни ҳам куйдирмасдан”, “олтин ўрталик”да олиб бориш долзарб ҳисобланади. Президент томонидан илгари сурилган беш муҳим ташаббус эса айнан шу эзгу мақсадга хизмат қилиши, шубҳасиз.

### Устувор йўналишлар

Хўш, глобал иқтисодиётнинг ҳар қандай башоратларга ҳам тўғри келмаётган, ниҳоятда ўзгарувчан таъсири Ўзбекистон ҳаётида қандай акс этади? Келинг, мавзудан узоқлашмасдан, юртимизда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш концепцияси нуқтаи назаридан бунга жавоб излаб кўрамиз.

Бизнингча, бу борадаги устувор йўналишлар сифатида қуйидагиларни белгилаб олиш мақсадга мувофиқ:

— рақамли инфратузилмаларни рақамли иқтисодиётнинг асослари сифатида ривожлантириш. Уларнинг икки тури бор: қаттиқ ва юмшоқ. Биринчисига кенг полосали интернет, рақамли телевидение, кибернетика ҳамда маълумотларни сақлашнинг булутли технологиялари киради. Ишонч ва идентификация инфратузилмалари, онлайн ҳисоб-китоблар, блокчейн, оммавий хизматлар, таълим ҳамда тиббиёт каби ҳаёт таъминоти воситалари иккинчи тоифа сирасидандир;

— реал секторни рақамлаштириш. Бунда “Саноат 4.0”, “рақамли иш ўринлари”, “Smart-фабрикалар”ни ривожлантиришга кўмаклашиш назарда тутилади;

— ҳаёт фаолиятининг базавий соҳаларини рақамлаштириш, мактабларни рақамли трансформация қилиш ва “Smart-таълим”ни ривожлантириш, Е-саломатлик ҳамда Е-хавфсизлик, “ақлли шаҳар” концепциясини жорий этиш;

— замонавий таълим ва аҳолининг АКТ борасидаги саводхонлигини юксалтириш.

### Саводхонлик жуда муҳим

Экспертларнинг айтишича, буларнинг ичида охиргиси ниҳоятда муҳим саналади. Бунинг учун нималарга эътибор бериш жоиз?

**Биринчидан,** таълим инфратузилмаларини ислоҳ қилиш керак. Чунки турли ишлаб чиқариш жараёнларининг автоматлаштирилиши қатор мутахассисликларнинг тўлиқ ёки қисман йўқ бўлишига, шунингдек, рақамли билимлар, кўникмалар ва лаёқатга эга мутахассисларнинг ўткир тақчиллигига олиб келди, билим бериш мезонларининг янги талабларга мослашишини талаб қилмоқда. Шу боис таълим тизимида аҳолининг юқори даражадаги рақамли саводхонлигини таъминлаш имконини берадиган ўқитишнинг мутлақо янги педагогик технологияларини ишлаб чиқиш ҳамда татбиқ этиш давр талабидир.

**Иккинчидан,** амалий тадқиқотлар ва “рақамли тадбиркорлик”ни молиялаштириш зарур. Сабаби рақамли давр таълимни информатика фанлари ва рақамли бизнес моделлари жабҳасидаги тадқиқотлар натижаларига уйғунлашишини тақозо этади.

**Учинчидан,** кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш ҳамда қўшимча таълимга ёндашувни мутлақо ўзгартириш. Гап шундаки, “McKinsey” глобал институтининг баҳолашича, 2036 йилга бориб дунёда барча ишчи жараёнларнинг 50 фоизигача бўлган қисми автоматлаштирилади. Бу жуда кўплаб ишчи кучининг бўшаб қолиши, ўрта малака талаб этиладиган иш ўринларининг қисқариб кетишига олиб келади. Иқтисодиётни муайян салоҳиятга эга кадрлар билан таъминлашда эса ходимларнинг малакасини ошириш ва ялпи қайта тайёрлаш марказлари алоҳида аҳамият касб этади. Чунки айнан улар янги рақамли технологияларга ўқитади. Инновацияларни ишлаб чиқиш ҳамда синаб кўриш жараёнларини мустақил ташкил қилишга қодир бўлмаган компаниялар мутахассисларига янги билимлар бериш имкониятини тақдим этадиганлар ҳам айнан улардир. Бу борада масофавий ва ностандарт бандлик кенгаяди, меҳнат бозорида “Smart-ишчилар” деган янги субъектлар тоифаси пайдо бўлади, тренинглар, асосан, амалиётга йўналтирилган қисқа муддатли ўқитиш ҳамда қайта ўқитиш циклларининг роли ошади. Тренинглар нафақат зарур билимларни кучайтириш воситаси, балки мутахассиснинг муҳим сифатлари: танқидий фикрлаш, муомаласи, киришимлилиги, креативлигини баҳолаш методига ҳам айланади.

> *Экспертларнинг фикрича, келгуси 3 йилда иқтисодиётни рақамлаштириш орқали дунёдаги 22 фоиз иш ўринлари интернет технологиялари ёрдамида яратилади. Ёки Жаҳон банки ҳисоботига кўра, кенг полосали интернет тармоғини 10 фоиз кенгайтириш эвазига ялпи ички маҳсулотни камида 1 фоиз ўстириш мумкин экан.*

**Тўртинчидан,** тармоқларнинг рақамли ривожланиши бўйича устувор масалаларни ҳал этиш даркор. Тезкорлик билан ечим топиш учун давлат ва тармоқлар вакиллари ўртасида мулоқот олиб боришга мўлжалланган доимий майдон яратиш мақсадга мувофиқ. Бундай ўзаро алоқа эса таълим ҳамда илмий-тадқиқот муассасалари вакиллари иштирокида олиб борилса, янада самарали ва асосли кўриниш олади.

**Бешинчидан,** рақамли инфратузилмани ривожлантириш. Замонавий жамият рақамли тафовутни бартараф этишга, асосий инфратузилма хизматларидан тенг фойдаланишни таъминлашга қаратилган ва рақамли хизматларнинг кенг доирасини



қамраб оладиган, масалан, масофавий ҳамда дуал таълим, сифатли таълим олиш имкониятини яратишга қаратилган чора-тадбирларга муҳтож.

**Олтинчидан,** ўқувчилар ва талабаларга инновацияларнинг аҳамиятини етказиш бир хил даражада муҳимдир. Келажакда рақамли саводхонлик, муаммоларни ҳал қилишда янги усулларни қўллаш истаги, шунга тайёрлик, тажриба қилишдан қўрқмаслик ҳамда таваккалчилик келажакда янада катта мазмун касб этиб бораверади. Зеро, булар ҳам алоҳида шахс, ҳам бизнес муваффақияти кафолатига айланади.

Умуман, таълим соҳасидаги “рақамли билимлар” истиқболда мутахассисларни тайёрлаш жараёнида янги педагогик технологияларни ривожлантириш, мавжудларини такомиллаштиришнинг муҳим таркибий қисмларидан бирига айланади.

### Янги ҳаётга тайёрлаш масъулияти

Илғор рақамли ва педтехнологияларни таълим тизимига қуйидаги асосда самарали татбиқ этиш мумкин:

— замонавий АКТни қўллаш ёрдамида барча даражадаги илмий ҳамда таълим жараёнлари интенсивлигини ошириш, маълумотлар ҳажмини кўпайтириш, уни қидириш йўлларини оптималлаштириш. Бунинг натижасида билим бериш самарадорлиги ва сифати, фаолиятни англаб етиш фаоллиги ошади, фанлараро алоқалар чуқурлашуви рўй беради.



— талаба шахсини ривожлантириш, уни янги типдаги жамият ҳаётига тайёрлаш. Мисол учун, ахборот ҳамда компьютер технологияларини қўллаш ёрдамида таълимда фикрлашнинг турли кўринишлари пайдо бўлади, янгича мулоқот ва муомала лаёқати шаклланади, компьютер графикаси ҳамда мультимедиа технологияларидан фойдаланиш ҳисобига эса эстетик таълим самарадорлигини ошириш мумкин.

— жамиятнинг ижтимоий буюртмасини бажариш. Айтиб ўтганимиздек, янги тартибдаги иқтисодиётнинг вужудга келиши кадрлар бўйича сиёсатни ўзгартиришни ҳам тақозо этади. Бундай буюртма эса АКТ соҳасида саводхон шахс, компьютер воситаларидан малакали фойдаланувчи мутахассисларни тайёрлашга замин яратади.

— педагогик фаолиятнинг ахборот-методик таъминотини такомиллаштириш. АКТ педагог ва талабаларни ахборот-методик қўллаб-қувватлаш, мулоқот ва ҳамкорлик қилиш имкониятларини кенгайтиради.

— таълим олиш ҳамда ақлий фаолият билан шуғулланишга мотивацияни кучайтириш. Педагог замон билан ҳамнафас бўлиши, талабалар эҳтиёжи ва талабларидан асло ортда қолиб кетмаслиги шарт. Чунки ёш авлод бугун рақамлаштирилган ижтимоий ҳаёт шароитида яшамоқда.

— талабаларнинг таълим олишини назорат қилиш ва бу борадаги методларни такомиллаштириш. Рақамли технологиялар таълим жараёнларини бошқаришни қулайлаштириб, ўқув фаолиятини сифатли назорат қилиш имконини беради.

### Бу биз билган «смарт» эмас

Таълимга айнан мана шундай ёндашув асосида етиштириб чиқарилган кадрлар эса ҳақиқий “Smart-иқтисодиёт”ни барпо этиш, унинг контингентини рақобатдош инсон капитали билан тўлдириш имконини беради. Бу эса тараққиётга эришиш тенденцияларини тизимли бошқариш ҳамда мувозанатни сақлашга хизмат қилади. Шундай экан, бу, аввало, давлатнинг мувофиқлаштириш роли, сиёсий, глобал иқтисодий, молиявий ва ижтимоий жараёнлардаги фаол иштироки билан узвий боғлиқдир. Ўз навбатида, хўжалик юритиш субъектларининг очиқлиги, бозорларни либераллаштириш, иқтисодий тармоқларнинг ўзаро қарамлиги билан боғлиқ салбий таъсирларни камайтириш, тармоқларни ташқи иқтисодий, ижтимоий ҳамда таълим муҳитига мослаштириш ҳам долзарбдир.

Кези келганда айтиш керак, юқорида келтириб ўтилган “Smart” атамасини фақат “ақлли” деган маънода тушунмаслик керак. Аслида бу янада кенгроқ мазмунга эга бўлган қисқартма сўздир.

Smart — (Specific — аниқлик, Measurable — ўлчовга эгалик, Achievable — мақсадга эриша олишлик, Realistic — прагматик реаллик, Timed — вақтга мослик) бу ишлаб чиқаришни босқичма-босқич интеллектуаллаштириш, институтлаштириш, ижтимоийлаштириш ва экологияга уйғунлаштиришдир.

“Smart-иқтисодиёт”нинг бош ғояси иқтисодий ўсишнинг ижобий суръатлари ва меҳнат маҳсулдорлигини таъминлаш, ишлаб чиқаришда интеллектуал ишчилар ҳамда инновациялар иштироки ва рақамлаштиришни кучайтириш, инновацион экотизимларни шакллантириш, самарали бизнес-муҳит, “яшил иқтисодиёт”ни яратиш, энг асосийси, ижтимоий юксакликка етиб боришдир.

Айнан шу нуқтаи назардан қаралса, рақамлашувнинг жадал равнақи ўқув жараёнларига ҳам “Smart-таълим”ни олиб кираётганига гувоҳ бўлиш мумкин. Масофавий технологиялардан фойдаланиб, дарс режаларидан хабардор бўлиш, билим бериш жараёнини ҳар қандай шароит (мисол учун, пандемия ва карантин)да ҳам қўллаб-қувватлаш, таълим бериш ҳамда назорат қилиш шаклининг индивидуал траекториясини шакллантириш шулар жумласидандир.

### «Мукаммаллашишни севадиган инсонлар билан ишла!»

Хулоса ўрнида айтганда, рақамли ва “Smart-тамойил”лар, сунъий онгдан фойдаланиш, катта ҳажмлардаги электрон маълумотлар замонавий иқтисодиёт ва таълим парадигмаларини сезиларли тарзда ўзгартиради. Фикримизча, инновацион эврилишлар шароитида иқтисодиёт давлат ва бизнес ўртасидаги ҳамкорлик, ижтимоий қулайликлар алмашинуви, стартапларни амалга ошириш, социал инновациялар, таълимнинг янги моделлари, алоҳида ҳолатларда эса, масалан, COVID-19 пандемияси шароитида онлайн-мактаб ҳамда университетларни жорий этиш замонавий тараққиётнинг асосий ёндашувлари ҳисобланади.

Якунда машҳур инноватор ва бизнесмен Стив Жобснинг бир гапини келтириб ўтиш ўринли: “Қодир бўлганингдан кўра яхшироғига интил. Ҳар қандай ишда имконингдагидек муваффақиятга эришишинг мумкин. Ухлама! Муваффақият янада кучли муваффақиятни олиб келади. Муваффақиятлардан роҳатлан! Мукаммаллашишни севадиган инсонлар билан ишла!”

Ўзбекистонда эса барча, айниқса, ёшлар учун бу борада ҳамма шароит яратиб берилмоқда.

**Абдуҳаким МАМАНАЗАРОВ,**
**М. В. Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг Тошкент шаҳридаги филиали раҳбари ўринбосари, иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 756. 34 148 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ISSN 2010-8788

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Д. Улуғмуродов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.40 Топширилди — 00.00 1 2 3 4 5 6